



E-ISSN 2181-1466



9 772181 146004

ISSN 2181-6875



9 772181 687004



**PUBLISHED
SINCE 2000**
(Online since 2020)

**PUBLISHED SIX
TIMES A YEAR**

2022/5(93)

CHAIRMAN OF THE EDITORIAL BOARD:
Khamidov O.Kh.

Doctor of Economics, Professor

EDITOR-IN-CHIEF:

Rasulov T.Kh.

Doctor of Physics and Mathematics, Docent

INTERNATIONAL EDITORIAL BOARD:

Kuzmichev N.D. (Russia)

Doctor of Physics and Mathematics, Professor

Danova M. (Bulgaria)

Doctor of Philology, Professor

Margianti SE. (Indonesia)

Doctor of Economics, Professor

Wünsch Th. (Germany)

History of E.Europe Dr. of phil. habil, Professor

Minin V.V. (Russia)

Doctor of Chemical Sciences

Tashkaraev R.A. (Kazakhstan)

Doctor of Technical Sciences

Muminov M.E. (Malaysia)

Candidate of Physics and Mathematics

Srivastava P.K. (India)

American and English Literature PhD in English

NATIONAL EDITORIAL BOARD:

Adizov B.R.

Doctor of Pedagogical sciences, Professor
(Deputy Editor-in-Chief)

Abuzalova M.K.

Doctor of Philological sciences, Professor

Amonov M.R.

Doctor of Technical sciences, Professor

Barotov Sh.R.

Doctor of Psychological sciences, Professor

Bakoyeva M.K.

Doctor of Philological sciences

Buriyev S.B.

Doctor of biological sciences, professor

Djurayev D.R.

Doctor of Physics and Mathematics, Professor

Durdiyev D.K.

Doctor of Physics and Mathematics, Professor

Olimov Sh.Sh.

Doctor of Pedagogical sciences, Professor

Kakhkhorov S.K.

Doctor of Pedagogical sciences, Professor

Umarov B.B.

Doctor of Chemical sciences, Professor

Urayeva D.S.

Doctor of Philological sciences, Professor

Rashidov O.R.

Doctor of Historical sciences, Docent

Zaripov G.T.

Candidate of technical sciences, Docent

DEPUTY EDITORS-IN-CHIEF:

Navruz-zoda B.N.

Doctor of Economics, Professor

Turayev H.H.

Doctor of Historical sciences, Professor

Juraev N.K.

Doctor of Political sciences, Professor

Jumaev R.G.

PhD in Political sciences, Docent

Kuvvatova D.Kh.

Doctor of Philological sciences, Professor

Akhmedova Sh. N.

Doctor of Philological sciences, Professor

**SCIENTIFIC REPORTS OF
BUKHARA STATE
UNIVERSITY**

**BUXORO DAVLAT
UNIVERSITETI ILMIY
AXBOROTI**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК
БУХАРСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО
УНИВЕРСИТЕТА**

*The journal is published in the Bukhara
Regional Department of Press and
Information of the Press and Information
Agency of Uzbekistan on August 24, 2020
With registered certificate № 1103*

*The journal "Scientific reports of Bukhara
state university" is included in the list of
scientific publications recommended to
publish the main scientific results of
doctoral dissertations of the Higher
Attestation Commission under the
Cabinet of Ministers of the Republic of
Uzbekistan on philology and physical and
mathematical sciences.*

*The journal is intended for professors
and teachers of higher educational
institutions, senior researchers, students,
scientific staff of scientific research
institutions, teachers of academic
lyceums, professional colleges, as well as
researchers in general secondary
education and various fields.*

**Founder: BUKHARA STATE
UNIVERSITY**

Executive secretary:

Sayfullaeva N.Z.

**Doctor of Philosophy in
Pedagogical Sciences (PhD)**

Editor: Sobirova Z.R.

Department technicians:

Shirinova M.Sh.

Raximova S.M.

MUNDARIJA

EXACT AND NATURAL SCIENCES		
Khujayev L.Kh.	Nonlinear inverse problems for the system of poroelasticity equations	3
Raxmatova N.J.	Analysis of the 1D fractional diffusion equation with initial-boundary problem	16
Hasanov I. G.	Structural changes in agriculture: problems of modernization and ways of solvation	22
LINGUISTICS		
Юлдашева Д.Н.	Ўзбек тилининг софлигини сақлашга масъулмиз	27
Irgasheva F.B.	Lingvokulturologiyaning tarixiy bosqichlari va ijtimoiy-madaniy o'ziga xosliklari	31
Norova M.F.	Phonopragmatic characteristics of apocope	35
Ruzieva M. Kh.	Clinical features of the human linguistic system	38
Sirojova Z.N.	Ingliz tilidagi qo'shma gaplarda sintaktik munosabatlar sinkretizmining funksional tadqiqi	43
Subxonova M.O.	Lingvomadaniy birliklarning do'stlik haqidagi ingliz va o'zbek maqollarida ifodalanishi	48
Sulaymanova M.Sh.	The role of national values in teaching the native language	52
Xamdamova G.X.	Maqollarning nominativ-semantik xususiyatlari	57
Xojiyeva M.Y.	Shaxs semali leksemalar valentligi va so'z birikmasi	61
Yokubova Sh.Y.	Poetik nutqda metaforik birikmalar	65
Зиёдуллаев А.Р.	Эпонимларнинг мавзуй таснифи	70
Наширова Ш.Б.	Инглизча-ўзбекча ва ўзбекча-инглизча луғатлар учун кўп маъноли сўзларни танлаш мезонлари	75
Рўзиев Я.Б.	Ўзбек тилида биринчи тур ўзлаштирмалик ва гап	80
Salixova N.N.	Ingliz va o'zbek tillarida qo'llaniladigan undovlarning ma'no turlari	86
Safarova M.Z.	Etnonimiyaning o'rganilishi	90
Тўраева Д.М.	Пунктуацияда меъёр ва янгича аъёнларнинг пайдо бўлиши	98

ЎЗБЕК ТИЛИДА БИРИНЧИ ТУР ЎЗЛАШТИРМАЛИК ВА ГАП

Рўзиев Яраш Бозорович

Бухоро давлат университети доценти, ф.ф.ф.д. (PhD)

(e-mail: yarasch@mail.ru)

Аннотация: Ўзбек тилида ўлаштирмаликнинг биринчи тури деганда кўчирма гапдан синтактик йўл билан ҳосил бўлувчи ўлаштирмалик назарда тутилади. Ўлаштирмаликнинг бу турида кўчирма гап ҳам шаклан, ҳам мазмунан ўзгаришга учрайди. Кўчирма гап шаклан бирикма аниқроғи бирикмали тўлдирувчига айланади. Шунга кўра, фикр англатувчи тил бирлиги мураккаб тушунча билдирувчи бирикма шаклини олади. Муаллиф гапида эса баён ноҳиссий бўлганда фақат унинг кесими вазифасидаги феъл (де+ди, де+ган эди, де+р эди ва б.)нинг ўзаги ўзгаради (айт+ди, айт+ган эди, айт+ар эди ва ҳоказо).

Калим сўзлар: ўзга нутқ, кўчирма нутқ, ўлаштирма нутқ, матн, микроматн, макроматн, муаллиф нутқи, хабар манбаи, эшитилганлик семаси, синтактик восита, морфологик восита, нутқ феъли, тил қурилиши, тежамкорлик.

Аннотация: Первый тип несобственно-прямой речи в узбекском языке относится к речи, образованной синтаксически из производного предложения. При этом типе несобственно-прямой речи производное предложение изменяется как по форме, так и по содержанию. Слово сочетание превращается в составное, точнее, составное дополнение. Соответственно, языковая единица, выражающая мысль, принимает форму сложного соединения, выражающего сложное понятие. В авторской речи при высказывании без эмоции изменяется только основа глагола (де+ди, де+ган эди, де+р эди и др.) (айт+ди, айт+ган эди, айт+ар эди и др.).

Ключевые слова: чужая речь, прямая речь, косвенная речь, текст, микротекст, макротекст, авторская речь, источник сообщения, сема слышимости, синтаксические средства, морфологические средства, речевой глагол, языковая конструкция, экономия.

Abstract: The first type of indirect speech refers to the assimilation formed syntactically from the derived sentence. In this type of indirect speech, the derived sentence changes both in form and content. The phrase turns into a compound, more precisely, a compound complement. Accordingly, the language unit expressing thought takes the form of a compound expressing a complex concept. In the author's speech, when the statement is insensitive, only the stem of the verb (de+di, de+gan edi, de+r edi, etc.) is changed (ayt+di, ayt+gan edi, ayt+ar edi, etc.).

Keywords: foreign speech, direct speech, indirect speech, text, microtext, macrottext, author's speech, message source, audibility seme, syntactic means, morphological means, speech verb, language construction, economy.

Кириш. Ўзгалар нутқи нутқнинг алоҳида тури бўлиб нутқий вазиятнинг алоҳида кўриниши ҳисобланади. Бундай ҳолда монологда сўзловчи (ёзма нутқда муаллиф)нинг нутқига бошқа бировнинг нутқи, диалогда эса бошқа бировларнинг нутқи кўшилади. Сўзловчининг ўз нутқи объекти бўлиб борлиқдаги воқеа-ҳодиса ва фактлар хизмат қилади. Ўзининг монологик нутқи воситасида сўзловчи тингловчи (адресат)га борлиқ ҳақида ахборот, маълумот беради. Сўзловчининг диалог тарзидаги ўз нутқи эса нутқий амал (нутқ акти) иштирокчиларининг борлиқ ҳақидаги суҳбатидан иборат бўлади[1, 335-336].

Ўзбек тилида ўлаштирмалик икки усул, яъни синтактик ва морфологик йўл билан ифода этилади.

Асосий қисм. Биринчи тур деганда кўчирма гапдан синтактик йўл билан ҳосил бўлувчи ўлаштирмалик назарда тутилади. Ўлаштирмаликнинг бу турида кўчирма гап ҳам шаклан ҳам мазмунан ўзгаришга учрайди. Кўчирма гап шаклан бирикма аниқроғи бирикмали тўлдирувчига айланади. Шунга кўра, фикр англатувчи тил бирлиги мураккаб тушунча билдирувчи бирикма шаклини олади. Муаллиф гапида эса баён ноҳиссий бўлганда фақат унинг кесими вазифасидаги феъл (де+ди, де+ган эди, де+р эди ва б.)нинг ўзаги ўзгаради (айт+ди, айт+ган эди, айт+ар эди ва ҳоказо).

Синтактик йўл билан ҳосил бўлувчи ўзлаштирмаликнинг энг кичик кўриниши иккита ўзак, негизга кўшимча ёки ёрдамчи сўз қўшиш билан ясалади. Унинг бир неча андозаси бор, барчаси икки қисмдан иборат бўлади. Шулардан бири (ўзлаштира хабар)нинг биринчи қисми тўрт ёки беш узвдан, иккинчи қисми икки узвдан тузилади. Иккинчи қисм вазифасида қўлланувчи сўзнинг сони чекланган, биринчи қисмда эса морфологик восита сони чегараланган. Жумладан, келишиқ кўшимчасидан фақат биттаси ёки у билан вазифадош бўлган кўмакчи ишлатилади: *Ол+ган+и+ни айт+ди. Ол + иш + и + ни айт+ди. Ол+моқчи+лиг+и+ни айт+ди. Ол+ган+и ҳақида гапир+ди* ва ҳоказо.

Шўро даврида ўзлаштирмаликнинг асосан ана шу тури назарий жиҳатдан тадқиқ қилиниб олий ва ўрта таълимга татбиқ этилди, яъни қоидалаштирилиб, кодификация қилинди. Бу тур кўчирма гап билан қиёсан, у билан битта умумий сарлавҳа (ўзга гап) остида ўрганилди.

Ўзлаштирмаликнинг ўзбек тили синтактик қурилишига хос-хос эмаслиги масаласида баҳслашилди [2;3]. Мазкур ишларда ўзга гапнинг тузилиши, мазмуни ва қўлланишига нисбатан муаллифларнинг муносабати бир хил эмас. Чунончи, айрим тилшуноснинг фикрига кўра баъзи кўчирма гап автор гапига нисбатан мустақиллигини сақлайди. Шу боис уни боғланган кўшма гап дейиш мумкин. Иккинчи хил кўчирма гап эса автор гапини изоҳлаб келади ва унга нисбатан эргаш гап вазифасини бажаради. Бинобарин, бундай кўчирма гап эргаш гапга айланган бўлади [4, 9]. Академик Ғ. Абдурахмонов фикрига кўра, ўзлаштирмаликнинг биринчи тури зоҳиран содда, мазмунан кўшма гапга тенг келади. Шунга кўра, унда иккита фикр ифодаланади. Бу айниқса ноқардош тиллар билан қиёслаганда яққол сезилади: *Китоб олганини айтди. – Он сказал, что (он) покупал книгу. – Er sagte, daß er ein Buch gekauft hat.* Ўзлаштира гапнинг олий ўқув юрти дарслигида содда гап шаклида бўлиши эътироф этилади-ю кўшма гап баҳсида берилади [5]. Бу рус тилига таклид оқибатидир. Чунки рус тилида ўзлаштира гап эргашган кўшма гап шаклида бўлади.

Кўчирма ва муаллиф гапидан битта содда гап ҳосил бўлади. Тил фактларига мурожаат қиламиз:

*У ҳар сафар девор ошганда, энди колхозда “катта қозиқ” бўлганини айтиб, Мехрига шон-шухрат ваъда қилар эди.*¹(107)

Ушбу мисол мураккаб содда гап, кесими мазмунан иккита, уюшиб келган. Аммо шаклан ўзбек адабий тилининг синтактик қурилиши инобатга олинганидан биринчи қисм предикатив шаклга эга эмас (*айтиб*). Бу шакл гапнинг олдинги қисмини кейинги қисми билан боғлаш вазифасини бажаради. Ёзувчи сўз боғловчи (*ва*)ни кўшимча боғловчи (*-иб*) билан алмаштирган. Натижада иккала қисм узвий боғланган. Шу назарда тутилмаса муаллиф гапи кесимининг тўлиқ шакли қўлланиб эга, кесим муносабати ифодасини топади: *У ... айттар эди.* Бундан ташқари шу битта гап алоҳида абзац қилиб берилган. Бу билан гапда ифодаланган фикрни микромаънанинг бошқа қисмидан ажратиб кўрсатиб унга ўқувчининг диққати жалб қилинган.

Энди ушбу мисолнинг русча таржимасини олиб кўрайлик:

Добавим, что Зулфикаров не ограничивался вещественными дарами. Во время своих посещений он стремился также и поддержать дух Мехри, говоря, что теперь он в колхозе большой человек, и намекая при этом, что-нибудь достанутся почести и даже слава (206).

Таржима ҳам алоҳида абзац қилиб берилган. Аммо унинг ҳажми асл нусхадан икки баравар ҳам катта. Бунинг боиси таржимадаги биринчи гап асл нусхада йўқ. Бир неча сўз ва бирикма ҳам қўшилган. Бундан ташқари ўзлаштира гап уюшиқ кесимининг ҳар бири мустақил предикатив шаклга эга бўлганидан иккита ўзлаштира гап ҳосил бўлган. Шунга кўра таржимада ўзбек матнига хос тежамкорлик акс этмаган. Айни пайтда асл нусхада абзацнинг бошида қўлланган сифатдош бирикма орқали ёзувчи ўқувчининг диққатини Зулфикаров билан Умиданинг муносабати миллий ахлоқ қоидаларига оддий сўзлар қўлланганидан (*во время своих посещений*) ифода асл нусхада назарда тутилган таъсир кучини йўқотган.

Немисча таржимадаги абзацнинг ҳажми русча таржимага мос. Чунки биринчи гап қўшилган аниқроғи олдинги абзацдан бу ёққа кўчирилган. Бошқа кўп жиҳат ҳам рус тилига айнан ўхшаш. Фақат абзацнинг ўзлаштира гап қисмида немис тилининг ўзига хос грамматик хусусияти (қаранг: 2.1) инобатга олинган. Нутқ феъли (*erklärte*)дан кейин боғловчисиз эргаш гап қўлланган бўлиб сўз тартиби мустақил содда гапдагидек. Биринчи кесим презенс конъюнктив (*sei*), иккинчи кесим имперфект конъюнктив шакли орқали ифодаланган:

Es ist hinzuzufügen, daß Sulfikarows Geschenke nicht nur materieller Art waren. Während seiner Besuche bemühte er sich auch, Mechris moralische Verfassung zu helfen, indem er erklärte, er sei jetzt in

¹Мазкур мақоладаги таҳлилга тортилган мисоллар А.Қаҳҳорнинг *Синчалак* асари ва унинг русча (*Птичка невеличка*) ҳамда немисча (*Sekretär Saida*) таржималаридан олинди.

der Kolchose ein großer Mann, und irgendwann einmal würde auch ihr, Mechri, mit seiner Hilfe Ehre und Ruhm zuteile. (112-113)

Битта содда гапда иккита кўчирма гап ўзлаштириб баён қилиниши мумкин:

Қаландаров бюро составига таклиф қилган номзодларидан Усмоножон Умаров ўтмаганини, унинг ўрнига Исмоилжон Норматов ўтганини эшитиб, гарчи шу одамни таклиф қилиш эсига келмаганига ичидан ачинса ҳам, жон-пони чиқиб кетди (85).

Бу мисолда ҳам муаллиф гапининг кесими феъл бўлса-да, нотўлиқ предикатив шаклга эга. Феъл ўзаги хабарнинг ўзлаштирилганини англатиб кўшимчаси (-иб) гапининг олдинги қисмини муаллиф гапининг тўлиқ шаклланган кесими билан боғлайди (*жон-пони чиқиб кетди*). Мухим фарқ шуки, иккита кўчирма гап ўзлаштирилганидан бирикмали тўлдирувчи икки марта қўлланган. Нутқий мақсад талаби билан гап таркибидаги етакчи сўзларнинг валентлиги воқеланганидан ўзлаштира гап анча кенгайган. Яна ўзлаштира хабар абзацнинг биринчи гапи, абзац эса бўлимнинг биринчи абзаци эканлиги назарда тутилса, унга мантиқий урғу тушган дейиш мумкин. Муаллиф гапининг эгаси атоқли от (Қаландаров) билан ифода этилган бўлиб тасвирланган воқеа-ходиса шу шахсга дахлдор. Нутқий вазият талабига кўра ёзувчи атиги иккита гапни алоҳида абзац қилиб Қаландаровнинг салбий муносабатини юқори даражада биринчисидан луғавий восита, иккинчисидан бундан ташқари грамматик восита ҳамда нолисоний омил (ёзувда ундов белгиси) орқали ифодаланган. (Бу гап мисолда берилмаган).

Русча таржиманда асл нусхадаги баён тарзи ўзгартирилган. Оқибатда атиги иккита гап олтига катта-кичик гапга айланиб ўн бир қаторли абзац ҳосил бўлган. Таржимон абзацнинг бошидан охиригача диққат-эътиборни Қаландаровнинг салбий хусусиятини бўрттириб баён қилишга қаратган. Шу боис тўрт ўринда ундов белгиси кўйилган. Ўзлаштира хабардан атиги нотўлиқ кесим равишдош шаклида (*узнав*) берилган холос. Ўзлаштирмаликни ифодалаш учун хосланган тўлдирувчи эргаш гапдан фойдаланилмаган. Исм фамилияси келтирилган шахсдан биттаси тушириб қолдирилган, иккинчисининг фақат исми айтилган ва ҳоказо. Хуллас ёзувчининг ўзига хос услубидан асар ҳам қолмаган. Мана ўша абзац:

Узнав о случившемся, Каландаров был вне себя. В конце концов он, пожалуй, мог бы и сам выдвинуть кандидатуру Исмаилджана, черт с ним, пусть бы был в бюро, он, Каландаров, вовсе не такой злопамятный, каким его считают! Его бесил не сам факт избрания Исмаилджана, а то, что он, Каландаров, внес предложение – хорошее или плохое, другой вопрос – и это предложение было отвергнуто! Он внес, а Саида отвергла! Весь свой гнев он теперь сосредоточил именно и персонально на Саиде. А остальные тоже хороши, уже готово, пошли у нее на поводу! (175-176)

Немис таржимони русча матнга асосланганидан кўпчилик кусур айнан такрорланган. У ҳам ўзлаштира гап қўлламаган. Муаллиф гапининг кесимини тўлиқ предикатив шаклда (*erfuhr*) ишлатган холос. Ёзувчи услубига риоя қилмаслик оқибатида абзацга гап сони рус тилидагидан ҳам битта кўпайган. Қўлланган иборалардан айримининг маъноси рус тилидагидек асл нусхадан кескин фарқ қилади. Масалан: *ичида ачинса ҳам – черт с ним – der Teufel sollte ihn holen!* ва б. Бошқа хато ва кусурлар ҳам борлигидан абзаци тўлиқ келтирамаиз:

Als Kalandarow erfuhr, was vorgefallen war, geriet er außer sich. Schließlich hätte er auch selbst Ismaildshan – der Teufel sollte ihn holen! – nominieren können. Sollte er doch in die Leitung hinein, er, Kalandarow, war gar nicht so übelnehmerisch, wie man glaubte! Nicht so sehr, daß Ismaildshan gewählt war, brachte ihn in Hornisch als vielmehr das: Er, Kalandarow, machte einen Vorschlag – ob gut oder schlecht, war eine andere Sache –, und dieser Vorschlag wurde einfach abgelehnt! Er machte ihn, und Saida lehnte ihn ab! Sein ganzer Zorn richtete sich jetzt speziell und persönlich gegen Saida, und die anderen, natürlich, die waren gleich bereit, ließen sich von ihr ins Schlepptau nehmen! (75)

Иккита кўчирма гап ўзлаштирилиб битта содда гапда ифодаланганда гапнинг синтактик жиҳати юқоридаги мисоллардан бошқача бўлиши мумкин:

Ҳуринисо унинг бетоб эканини, ухлаб ётганини айтди. (166)

Ушбу мисолда ёзувчи юқори даражада тежамкорликдан фойдаланиганидан атиги етти сўзли содда гапда ҳам муаллиф (сўзловчи) фикрини ҳам икки марта кўчирилган фикрни ўзлаштириб баён қилган. Иккита бирикмали тўлдирувчи беш сўздан, муаллиф гапи атиги икки сўз (эга ва кесим)дан иборат. Эга атоқли от (*Ҳуринисо*), кесим вазифасида нутқ феъли қўлланган. Феъл кўшимчаси хабар майлининг ўтган замон кўрсаткичи. Бундан ташқари сўзловчи иш-ҳаракатни бевосита кузатган (*айт+ди*). Демак, кесимнинг кўшимчаси предикативликни тўлиқ шакллантиради. Бу жиҳатдан ушбу нутқ феълнинг шакли ва мазмуни юқорида таҳлил қилинган иккала мисолдан ҳам фарқ қилади. Бирикмали тўлдирувчининг биттаси иккита, бошқаси учта сўз билан ифодаланган. Баён ноҳиссий бўлгани боис гап охирига нуқта қўйилган ва ҳоказо.

Рус таржимони ҳам мазкур фикрни битта гап орқали ифода этган. Унга ҳам муаллиф гапини ҳам ўзлаштирма хабарни жо этган. Рус тилининг синтактик хусусиятини инобатга олиб қўшма гапдан фойдаланган. Муаллиф фикри бош гап, ўзлаштирма хабар эргаш гап шаклида берилиб эргаштирувчи боғловчи (*что*) қўлланган (қаранг: 2.2). Бинобарин таржиманинг грамматик жиҳати эътироз туғдирмайди. Аммо таржимон ўзидан сўз қўлаганидан мустақил ва ёрдамчи сўз сони икки баравардан ошиб ўн олтитагача етган. Оқибатда ёзувчининг услубидан анча узоқлашган:

Однако встретившая её на пороге Хурниса решительно заявила, что Арсланбек заболел, принял лекарство и лёг спать. (288)

Русча таржимага айнан мос бўлганидан немисча таржимада ҳам фикр ифодаланишининг грамматик жиҳати рисоладагидек. Чунончи эргаш гапли қўшма гапдан фойдаланилган, эргаштирувчи боғловчи (*daß*) қўлланган, конъюнктив замон шакллари қоидага мос ишлатилган. Аммо таржима бевосита бўлмагани боис асл нусхада йўқ сўз ва шакллар қўлланган. Жумладан аниқловчи эргаш гап қўшилган, икки марта ўзлаштирмалик уч марта бўлиб қолган. Гапда мустақил ва ёрдамчи сўз сони 24 тага етган. Русча таржимада *принял лекарство* борлиги учун *eine Medizin eingenommen habe* қўшилган. *Хурнисо* отининг имлоси рус тилига мос бўлиб қолган (*Хурниса - Churnisa*) ва бошқалар. Энди таржима матнини тўлиқ келтирамиз:

Churnisa, die sie auf der Schwelle empfing, erklärte ihr jedoch resolut, daß Arslanbek-aka erkrankt sei, eine Medizin eingenommen und sich schlafen gelegt habe. (217)

Нутқ ўрни ва нутқий вазият тақозо қилганда ихчамлик ва тежамкорликнинг имкони бўлмайди:

Қаландаровнинг бошдан-оёқ иштироки шарт эканини айтди, уни қуттиш, яхшиси айтиб келиш учун одам чиқаришни таклиф қилди. (81)

Кўриниб турибдики, ўзлаштирилган иккита кўчирма гапдан ҳар бирининг алоҳида кесими бор, яъни муаллиф гапининг кесими предикативлик жиҳатдан тўлиқ шаклланган. Кесимнинг биттаси нутқ феъли билан, иккинчиси унга маънодош феъл билан ифодаланган. Кесимга боғланган бирикмали тўлдирувчининг иккаласи ҳам ҳажман анча кенгайган. Натижада ўқувчига битта содда гап орқали берилган маълумот қўлами сезиларли даражада ортган. Шундай бўлса-да бирорта лисоний восита ноўрин ёки ортиқча қўлланган дея олмаймиз.

Рус таржимони ёзувчининг услубига риоя қилмай бошқача йўл тутган. Оқибатда битта гап ўрнига уч гапли алоҳида абзац пайдо бўлган. Баён тарзи ҳам ўзгартирилган. Ҳис-туйғу даражаси, оҳанг турлича. Шу боис биринчи гапдан кейин ундов белгиси, иккинчи гапдан кейин нукта қўйилган. Луғат таркиби қисман ўзгартирилган. Айрим сўз туширилиб айрим сўз ва бирикма назарда тутилган. Шундан бўлса керак учинчи гап охирига кўп нукта қўйилган. Ифоданинг грамматик жиҳати ҳам қисман ўзгаланган. Иккита эргаш гап ўрнига битта қўлланган яъни асл нусхадаги икки марта ўзлаштирилган кўчирма гапдан биттаси қисқартирилган. Бундан ташқари иккинчи абзац чизик билан бошланган. Бу ушбу абзац кўчирма гап эканлигидан далолат беради:

–Вопрос так важен, что присутствовать товарищу Каландарову на собрании необходимо от начала до конца! Есть предложение подождать его! А еще лучше, послать за ним... (171)

Немис таржимони тутган йўл кўп жиҳатдан русча таржимага мос. Жумладан гап сони бир нечта, алоҳида абзац, ҳиссий баён билан ноҳиссий баён ҳам мавжуд, ўзлаштирма гап билан кифояланмай кўчирма гапга ҳам мурожаат қилинган. Ўзлаштирма гап иккита эмас, битта. Асл нусхадаги айрим сўзга эҳтиёж сезилмай бошқаси билан алмаштирилган. Шу билан бирга олдинги абзацдан иккита гап ушбу абзацга қўшилган. Ўзлаштирма гап қўштирноққа олинган ва ҳоказо. Шу ва бошқа ўзгаришларни кўрсатиш мақсадида абзацни тўлиқ келтирамиз:

Umida hob schon an zu reden, da sprang Saida auf und rief mit vor innerer Anspannung bebender Stimme: „Die Angelegenheit ist so wichtig, daß die Anwesenheit des Genossen Kalandarow unbedingt erforderlich ist! Ich schlage vor, auf ihn zu warten. Oder besser, ihn zurückzuholen...“ (69)

Битта содда гап орқали ўзга шахс амалга оширган иш-ҳаракат уч марта ўзлаштириб баён қилиниши мумкин:

Гапдан гап чиқиб, булардан бири Кариманинг отаси қамоқ муддатини битириб келганини, Қорасув станциясида чўткачилик қилиб юрганини бундан икки йил бурун ўз кўзи билан кўрганини айтди. (52)

Гап содда бўлса-да йигирма тўртта мустақил ва ёрдамчи сўздан таркиб топган. Сабабларидан бири шуки амалга оширилган иш-ҳаракатнинг объектив замони учта сўз (*икки йил бурун*) билан ифодаланган. Нутқ вазияти баёнда аниқликни тақозо этганидан бевосита кузатганлик семасини таъкидлаш мақсадида иккита мустақил ва битта ёрдамчи сўз (*ўз кўзи билан*) қўлланган. Яна сўзловчи иккита сўз (*булардан бири*), ўзлаштирма хабарнинг эгаси изоҳловчиси билан иккита сўз (*Кариманинг*

отаси), боз устига иш-ҳаракатнинг ўрни ҳам иккита сўз (*Қорасув станциясида*) орқали воқеланган. Ани пайтда тежамкорлик ҳам унутилмаган. Нутқ феъли (*айтди*) атиги бир марта ишлатилган.

Энди шу гапнинг рус тилидаги бевосита таржимасига назар ташлаймиз:

Слово за слово – и вдруг Карима услышала от одного из них, что он два года назад своими глазами видел ее отца. Отбыв срок наказания, отец вернулся в родные места и работал чистильщиком сапог на станции Карасу...(132)

Луғат таркиби жиҳатдан таржимани асл нусхага мос деб бўлмайди. Чунки иш-ҳаракатнинг кўққисдан амалга ошганини кўрсатувчи битта ёрдамчи ва битта мустақил сўз қўлланган (*и вдруг*), иш-ҳаракатнинг ўрнини ифодалаш учун ишлатилган бирикма (*на станции Карасу*) ёнига мазкур маънони билдирувчи бирикма (*в родные места*) пайдо бўлган. Асл нусхада учинчи ўринда турган гап биринчи ўринга чиқарилган. Фикрнинг тугамаганлигини кўрсатувчи кўп нуқта қўйилган ва ҳоказо.

Ўзлаштирама фикрнинг грамматик ифодаланишига келсак нотўғри йўл тutilган дея олмаймиз. Чунки аввал эргашган кўшма гап орқали ўзлаштирама хабар ифодаланган. Қўшилган сўз ва бирикмалар ҳисобидан хабар ҳажман кенгайиб кетганлиги боис бўлса керак иккинчи ва учинчи марта ўзлаштирилган хабар кесими уюшган мураккаб содда гап орқали таржима қилинган.

Немисча таржимада русча матндаги луғавий қусур ва камчиликлар айнан ёки қисман такрорланганини кўраемиз. Жумладан фақат иш-ҳаракатнинг кўққисдан амалга ошганини англатувчи сўз эмас, бевосита кузатганлик семасини таъкидловчи бирикма ҳам тушириб қолдирилган.

Ўзлаштирмаликнинг грамматик ифодасига эса биринчи гапда тўлиқ риоя қилинган. Чунончи, ўзлаштирмаликнинг синтактик хусусиятини акс эттирадиган боғловчи эргашган кўшма гап ва эргаш гапда ўзлаштирмаликнинг морфологик белгиси бўлган конъюнктив замон шакли (перфект) ишлатилган. Ўзлаштирама хабарнинг иккинчи ва учинчи қисми эса рус тилидагидек мураккаб содда гап орқали ифода этилган:

Ein Wort gab das andere, und Karima erfuhr von dem einen, daß er zwei Jahre vorher ihn gesehen habe. Nach der Verbüßung der Haftstrafe war der Vater zu den heimatischen Stätten zurückgekehrt und versah jetzt den Dienst eines Schuhputzers auf dem Bahnhof von Karassu...(19-20)

Кўйдаги содда гап ўзлаштирилган кўчирма хабарнинг сонига кўра олдинги мисол билан бир хил. Аммо ҳажман ундан ката бўлиб мазмунан туб фарқ қилади:

Кўп вакиллар музокарада райком бюросининг фаолиятини танқид қилиб, колхозларда партиявий-сиёсий ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги, сиёсий-тарбиявий ишлар хўжалик ишлари соясида қолиб кетганлиги, бирмунча колхозларда раҳбар кадрлар сояда ўсайганлиги тўғрисида гапиришган эди. (46)

Кўриниб турибдики хабар колхозларда сиёсий, тарбиявий ва раҳбар кадрлар масаласида йўл қўйилган жиддий хатолар танқиди хусусида. Айбдор Қаландаров каби раислар эмас, *райком бюроси* эканлиги рўй-рост айтилган. Холбуки шўро салтанатида юқори партия ташкилоти раҳбарларини танқид қилишга йўл қўйилмас эди. Абдулла Қаҳҳор шу тақикқа қарши борган, 50-йилларда уни жамиятга ошкор этган. Аммо асар таржимони Константин Симоновдек коммунист ёзувчи шу гапни рус китобхонига етказишга журъат қила олмаган. Айбни Қаландаровга тўнкаш билан чекланган:

– Да уж, – сказала она, – Каландаров вот именно из тех председателей, про которых у нас на конференции говорили, что у семи нянек дитя без глазу! (124)

Асл нусхадан фойдаланиш имкони бўлмаганиданми ёки бошқа сабабданми немис таржимони ҳам Саида номидан колхоз раисини қоралаган. Оқибатда рус тилидагидек учта ўзлаштирама хабардан биттаси таржима қилинган холос: *“Dann gehört also Kalandarow”, sagte sie, „zu den Vorsitzenden, über die man auf der letzten Konferenz gemeint hat, daß unter sieben Ammen das Kind ohne Aufsicht ist.“* (9)

Шуни таъкидлаш жоизки ёзувчининг маҳорати нисбий тугал фикр ифодаланадиган биргина содда гапда тўртта кўчирма гапни ўзлаштириб баён қилиш имконини беради:

Усмонжон унинг бир вақтлар партбюрога аъзо бўлганини, партия ишида тажрибаси борлигини, бунга ҳамма билишини айтди ва лозим бўлса, мажлисда шу номзодни кўрсатишга тайёр эканини билдирди. (80)

Кўриниб турибдики, гапнинг бошидан охиригача бирорта сўзни ноўрин ишлатилган дея олмаймиз. Ўзлаштирмаликнинг биринчи қисмида нутқ вазияти тақозо қилганидан бирикмали тўлдирувчидан ташқари фақат иш-ҳаракатнинг вақти кўрсатилган (*бир вақтлар*) иккинчи қисмда жами тўртта, учинчи қисмда атиги учта сўз қўлланган. Тўртинчи қисм мазмунан ўта муҳим бўлганидан бошқа қисмлардан оҳанг (*ёзувда вергул*) билан эмас, боғловчи (ва) билан ажратилган, муҳим сўзлар билан таъкидланган. Нутқ феъли (*айтди*) икки марта тежалган. Такрор ғализлик туғдириши назарда тутилиб тўртинчи қисмда нутқ феъленинг маънодоши (*билдирди*) қўлланган. Натижада мазмун теранлашиб шакл ихчамлашган ва битта содда гапда тўртта кўчирма гапни

Ўзлаштириб жойлаштириш имкони пайдо бўлган. Бу эса ўқувчининг диққат-эътиборини ўзига тортади.

Рус таржимонининг асл нусхага ёндашуви ёзувчиникидан кескин фарқ қилади. Жумладан, олдинги мисолда хабарнинг катта қисми тушириб қолдирилган бўлса бу ерда аксинча асл нусхага эркин ёндашилганидан кўплаб сўз ва бир неча гап қўшилган. Оқибатда асл нусхада атиги тўрт қаторни банд қилган битта содда гап таржимада ўн икки қаторли бутун бир абзацга айланади. Ошкораликни ифодалаш учун хизмат қиладиган учинчи ўзлаштира хабар тушириб қолдирилган. Яна битта ўзлаштира хабар мустақил содда гап орқали ўзлаштирилган. Хуллас асл нусхадаги тўртта ўзлаштира хабардан атиги икkitаси рус тилининг ўзига хос хусусиятини акс эттирувчи эргаш гапли кўшма гап билан ифода этилган:

*В ответ Умаров очень горячо и, как показалось Саиде, вполне искренне стал хвалить Исмаилджана чуть ли не как самого лучшего бригадира в колхозе, а под конец добавил, **что у него даже есть некоторый опыт партийной работы.** Еще в те времена, когда Каландаров не раскусил самостоятельного характера своего лучшего бригадира, тот, именно по рекомендации председателя, был введен в один из составов бюро. В заключение Умаров сначала с маленьким колебанием, а потом уже тверже сказал, **что, если кто-нибудь будет выдвигать его кандидатуру, он сразу же даст себе отвод и в свою очередь выдвинет кандидатуру Исмаилджана.** (170)*

Немисча таржимага русча асос қилиб олинганидан абзацнинг ҳажми, гапларнинг луғат таркиби, сони ва ўрни бевосита таржимага айнан мос. Шу боис русча таржимадаги шу соҳага оид хато, қусурлар деярли барчаси такрорланган. Фақат кесимни ифодалашда немис тилининг ўзига хос хусусияти (қаранг: 2.1) инобатга олинган. Чунончи учта ўзлаштира гапда презенс, перфект пассив, футурум I, конъюнктив шакллари ишлатилган. Учала гап ҳам боғловчисиз. Шу боис сўз тартиби мустақил содда гапдагидек. Битта ўзлаштира гап русча таржимада тушириб қолдирилганидан немисча таржимада ҳам ўз ифодасини топмаган:

*Als Antwort darauf begann Umarow sehr eifrig und – wie es Saida schien – völlig ehrlich Ismaildshan als den sichtlich besten Brigadier der Kolchose zu rühmen und fügte hinzu, **eine gewisse Erfahrung in der Parteiarbeit habe er auch schon. Früher einmal, als Kalandarow den selbstbewußten Zug seines besten Brigadiers noch nicht erkannt habe, sei dieser auf dessen Empfehlung hin mal in Parteiteilung gewählt worden.** Sodann meinte Umarow, etwas unsicher beginnend, dann aber überzeugter, wenn einer ihn als Kandidaten vorschlagen sollte, **er ablehnen und seinerseits Ismaildshan benennen werde.** (67-68)*

Хулоса. Ўзбек тилида ўзлаштирмалик икки усул билан ифода этилади: бири синтактик, бири морфологик. Синтактик йўл билан ҳосил бўлувчи ўзлаштирмаликнинг энг кичик кўриниши иккита ўзак, негизга кўшимча ёки ёрдамчи сўз қўшиш билан ясалади. Унинг бир неча андозаси бор, барчаси икки қисмдан иборат бўлади. Шулардан бири (ўзлаштира хабар)нинг биринчи қисми тўрт ёки беш узвдан, иккинчи қисми икки узвдан тузилади. Иккинчи қисм вазифасида қўлланувчи сўзнинг сони чекланган, биринчи қисмда эса морфологик восита сони чегараланган. Жумладан, келишик кўшимчасидан фақат биттаси ёки у билан вазифадош бўлган кўмакчи ишлатилади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Зикриллаев Ф.Н. *Рух ва тил. Тошкент: Фан, 2018.*
2. Иминов А. *Ўзлаштира гап борми? Ўзбек тили ва адабиёти журнали. 1990, 3-сон.*
3. Номозов К., Йўлдошев Б. *“Ўзлаштира гап борми?” мақоласини ўқиб. Ўзбек тили ва адабиёти журнали. 1993, 4-сон.*
4. Назарова Х. *Эски ўзбек ёзма ёдгорликларида кўчирма гапларнинг қўлланиши. Тошкент, 1959.*
5. Фуломов А., Асқарова М. *Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1987.*